



HAYOT DAVOMIDA TA'LIM OLISH: YANGI PARADIGMALAR VA KUTILADIGAN NATIJALAR

FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Тўраев Муҳаммади Раҳимович¹, Сайипова Дилафруз Раҳимовна²

¹СамДУ Каттақўрғон филиали илмий ишлар ва инновациялар бўйича директор
ўринбосари, ф.-м.ф.н.,

²СамДУ Каттақўрғон филиали Гуманитар фанлар кафедраси
ўқитувчиси Сайипова Дилафруз Раҳимовна

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР - ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ АСОСИ

Аннотация

Ушбу мақолада таълим-тарбия ишларида миллий маданият ва қадриятларимизга таянишимиз кераклиги, бу эса, ўз навбатида, ҳукуратимиз томонидан қабул қилинаётган қарорлар ва фармонларга ҳамоҳанг эканлиги тўғрисида сўз боради. Шунингдек, миллий маданиятимизга мос келмайдиган ҳолатлар танқид қилинади.

Калит сўзлар: ҳаракатлар стратегияси, тараққиёт стратегияси, таълим, миллий қадриятлар, она тилимиз, Абдулла Авлоний, “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ”, Маҳмудхўжа Бехбудий.

Юртимизда кенг кўламдаги ислохотларни амалга ошириш, мустақил Ватанимизнинг ёруғ келажagini қуриш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда қабул қилинган ПФ 4947- сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ҳамда 2022 йил 28 январда қабул қилинган “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги фармонлари ўз вақтида қабул қилинган тўғри қарорлар бўлди. Хусусан, “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги фармонда ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилади. Унда ёшлар учун очиқ ва сифатли таълимни таъминлаш, таълимнинг барча босқичларида ёшларнинг мукамал таълим олишини таъминлаш, ёшларни ишга жойлаштириш



ва уларнинг бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш билан бирга, ёшларнинг маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашиш, уларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларга эга шахс сифатида тарбиялаш каби масалаларга алоҳида ўрин ажратилган.

Ёш авлод тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилган ва таълим соҳасида катта ислохотлар амалга оширилаётган бир пайтда ёшлар тарбияси учун қилаётган ишларимиз етарлими, тараққиёт стратегиясида белгилаб берилган миллий қадриятлар асосида тарбиялай олаёмизми, деган ҳақли савол туғилади. Афсуски, бу саволга ижобий жавоб бериш қийин. Негаки, фарзанд тарбиясида фақат маҳаллаю таълим даргоҳларининг саъй-ҳаракатлари етарли эмас. Бутун дунё жадал суръатлар билан ривожланаётган бир пайтда фарзанд тарбиясида, ёш авлодни камол топтиришда ижтимоий тармоқлар ва интернет саҳифалари, кўчаларимиздаги хилма-хил рекламаларнинг ўрни аҳамиятли бўлмоқда.

Бугунги телекўрсатувлар, ҳаттоки намоёниш этилаётган мультфильм қаҳрамонларидан ҳам миллийликни топа олмаймиз. Бувиларимиздан эшитган Зумрад, Қиммат, Ўтинчи чол, Очкўз бой, ҳозиржавоб Афанди, Алдаркўса каби қаҳрамонлар эмас, аллақандай тушунарсиз махлуқлар, антиқа кийинган ва ёшига нисбатан анча улғайиб қолган йигитчалар ва қизчалар, тинимсиз жанглар ва қуроллар экранда намоён бўлади. Наҳотки булар боланинг беғубор қалбида миллий қадриятларни шакллантира олашами?..

Бугун биз миллийлигимиз, ўзлигимиз, миллий маданият ва тарбия ҳақида сўз юритар эканмиз, она тилимиз тўғрисида гапирмай ўтиш мумкин эмас. Негаки, дунёга келган чоғимизданоқ тилимиз жозибасини она алласи оҳанглари орқали ҳис этганмиз.

Миллий қадриятларга ҳурмат, Ватан, оила, миллат каби муқаддас тушунчалар қалбимизнинг тубига она тилимиз орқали сингади, бизда она тилимизга меҳр уйғонади. Ўз тилидан беҳабар инсонда миллий қадриятлар ҳақида тушунча бўлиши ҳам гумон.

Она тилимиз бизнинг бойлигимиз, кечамиз ва бугунги кунимиз, келажагимиз ва беқиёс қудратимиз ҳамдир. Чунки она тилимиз бутун миллий қадриятларимизнинг асоси, таянч нуқтасидир.

Лекин кўплаб телекўрсатувлар, радиоэшиттишлар, реклама матнлари, ҳаттоки айрим китобларда ҳам она тилимиздан ўринли фойдаланмаётганлиги ачинарли ҳолдир. Хусусан, кино дубляжларида бу ҳол яққол сезилади. Чала-чулпа таржима қилиниб тезда экранларга чиқарилиб миллионлаб томошабинларга ҳавола қилинаётган кинофильмлар ва фарзандлар дунёқарашининг шаклланишида муҳим роль бажарадиган кўрсатувларнинг савияси ва нутқдаги маданият юқори бўлиши керак эмасми?..

Абдулла Авлоний ўзининг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асарида миллий қадриятларимизнинг ажралмас қисми бўлган тилимиз софлигини асраш, ўзлигимизни йўқотмаслик ҳақида бундан юз йиллар илгари куёниб ёзган эди: “Ҳифзи лисон деб ҳар бир миллат ўз тили ва адабиётини сақламагини айтилар. Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигин кўрсатадурғон ойинайи ҳаёти тили ва



адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур. Ҳайҳот! Биз Туркистонликлар миллий тилни сақламак бир тарафда турсин, кундан кун унутмак ва йўқотмакдадурмиз. Тилимимзнинг ярмига арабий, форсий улангани камлик қилиб, бир четига рус тилини ҳам ёпишдурмакдадурмиз. Дуруст, бизга ҳукуматимиз бўлгон рус лисонини билмак ҳаёт ва саодатимиз учун ош ва нон каби лозимдур. Лекин ўз еринда ишлатмак ва сўзламак лозимдур”.

Жадидчи маърифатпарварларимиздан Маҳмудхўжа Бехбудий бошқа тилларни ўрганишга шундай тарғиб қилади: “Биз Туркистонийларга туркий, форсий, арабий, русий лозимдур. Туркий, яъни ўзбекини сабаби шуки, Туркистон халқининг аксари ўзбаки сўйлашур. Форсий бўлса мадраса ва удабо тилидур. Бу кунгача Туркистонни ҳар тарафиндаги эски ва янги мактабларинда форсий назм ва наср китоблари таълим бериб келгандур.

Барча мадрасаларда шаръий ва диний китоблар арабий таълим берилса ҳам, мударрисларни тақриру таржималари форсчадур. Бу қоида, яъни дарс китоби арабий, муаллим туркий, тақриру таржималар форсийлиги хила ажибдур.

... Фаранг ва рус донишмандларининг асарларидан фойдаланмоқ туркий ё русий, ва фарангий билмоқ ила мумкин бўлур.

... Арабий тил дин учун на даража лозим бўлса, русий ҳам тириклик ва дунё учун лозимдур...”

Биз маърифатли аждодларнинг фарзандларимиз. Она тилимизни ҳурмат қилишимиз, бошқа тилларни ўз ўрнида ишлатишимиз, кўр-кўрона тақлидга йўл қўймаслигимиз лозим.

Бошқаларга ҳавас қилаверсак, сўзлашишда ҳам, ҳаётимиз турмуш тарзида ҳам ўзгаларга тақлид қилаверсак, улар пеш билган тушунчаларга интилаверсак, оммавий маданият ва ҳоказоларнинг орқасидан қуваверсак, биз қачон ўзлигимизни англаймиз? Қачон ўзимизни эътироф этамиз?

Таълим-тарбия узвийлиги ва узлуксизлиги, миллий маданият бу ўзимиз билгандай фикрлаб иш юритишимиз ва яратишимиздир! Келинлар, тарбияни, маданиятни, маънавиятни бошқа ердан эмас, ўз илдизимиздан қидирайлик! Чунки ўзбек тилида фикрлаб бошқа тилга таржима қилиб ижод қилиш юксалишга олиб бормади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ - 4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ - 60-сонли “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги фармони.

3. Абдулла Авлоний. “Танланган асарлар”. Тошкент. “Маънавият” нашриёти, 2006.

4. Маҳмудхўжа Бехбудий. “Танланган асарлар”. Тошкент. “Маънавият” нашриёти, 2006.